

## Индонезияда Қуръон маънолари 16 та маҳаллий тилга таржима қилинди



15:00 / 21.01.2019 2264

Қуръони каримнинг маъноларини Индонезияда истиқомат қиладиган барча маҳаллий халқлар тилига таржима қилиш осон бўлмаса-да, ҳозиргача 16 тилга таржима қилиниб тарқатилмоқда, деб хабар беради IQNA.

Маълум бўлишича, Қуръони карим маъноларини бошқа маҳаллий тилларга таржима қилиш ишлари давом этмоқда. Индонезия Республикаси Дин ишлари бўйича бошқармаси раҳбари Луқмони Ҳаким Сайфиддиннинг бу борада берган баёнотида шундай дейилади: “Қуръони карим маъноларини маҳаллий тилларимизга таржима қилиш анча оғир иш. Чунки айрим сўзлар турли тилда бошқа-бошқа маъноларда ишлатилади. Шу сабабдан ҳам таржима ишлари икки йилгача чўзилиб кетмоқда. Лекин ушбу таржималар яна бошқа тилларга қилинадиган таржима ишларига ёрдам бериши

шубҳасиз. Таржима инсоннинг иши, у хатодан холи бўлмайди. Қуръони карим маъноларининг таржимаси бу Қуръони каримнинг ўзи эмасдир. Ҳақиқий ва мутлақ Қуръон бу араб тилида нозил бўлган ва шу тилда ёзилган Қуръони каримдир”.

Маълумот тариқасида шуни айтиш мумкинки, Индонезияда 2018 йил статистикасига кўра 266 357 297 млн аҳоли истиқомат қилади ва булар қарийб 300 та халқларга бўлинади. Умумий аҳолининг 88 фоизини мусулмонлар ташкил этади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**